ЎзССР Давлат китоб палатаси
140295

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

1995 йил 11 февраль. Шанба. № 11 (14265) ترکستان * TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

# МДҲ: ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ САРИ

*10 февраль куни Қозоғистон пойтахти Алмати шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда ҳамдўстликдаги 12 мамлакат делегациялари иштирок этди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Алмати аэропортида журналистлар саволларига жавоб берар экан, МДҲ доирасидаги интеграция давр талаби эканини яна бир бор таъкидлади.*

Бу муҳим учрашувда қатнашиш учун барча мамлакатлар делегациялари Алматига бир кун аввал ташриф буюрдилар. 9 февраль куни Қозоғистон пойтахтидаги Дўстлик уйида ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ташқи ишлар ва мудофаа вазирлари кенгашларининг мажлиси бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари олий даражадаги учрашувда кўриладиган масалалар юзасидан яна бир карра фикрлашиб олдилар.

Алматидаги асосий воқеалар 10 февраль куни бўлиб ўтди. Қозоғистон Президенти саройида МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгаши иш бошлади. Унда МДҲ ҳудудида тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш, ҳамдўстлик доирасида умумий илмий муҳитни тиклаш ва сақлаб қолиш чора-тадбирларини кўриш, ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш, давлатлараро иқтисодий қўмитанинг ташкилий жиҳатларини ҳал этиш, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Айни пайтда Президент саройида МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари кенгаши ҳам ўз мажлисини ўтказди.

Ҳукумат раҳбарлари кенгашида иқтисодий иттифоққа аъзо давлатларнинг хўжалик муносабатларидаги ҳуқуқий жиҳатларни биргаликда ҳал этиш, иқтисодий иттифоқнинг умумий статистика базасини яратиш, ҳамдўстликдаги мамлакатларни темир йўл транспортида таъриф сиёсатини мукаммаллаштириш, кинематография, китоб нашр этиш, тарқатиш ва полиграфия соҳасида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Сўнгра ҳамдўстликдаги давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган таркибда ялпи мажлис бўлиб ўтди. Ўзаро музокаралар ниҳоясида МДҲ мамлакатлари ўртасида иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлашга йўналтирилган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва ҳарбий соҳаларда ҳамкорлик юзасидан ҳужжатлар имзоланди.

Алмати учрашуви ниҳоясида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги учрашувини шу йил 26 майда Минскда ўтказишга қарор қилинди.

Амирқул КАРИМ,
(ЎзА).
Тошкент — Алмати — Тошкент.

***



Суратда: учрашув пайти.
А. ИЛЁСОВ олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### «МАҲАЛЛИЙ САНОАТ» ВА «ТОШУЙЖОЙИНВЕСТҚУРИЛИШ» ДАВЛАТ КОРПОРАЦИЯЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссалари, янги техника ва илғор технологиядан самарали фойдаланишдаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

ЧЖЕН Виктор Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АЪЗАМОВ Абдуҳамид Абдуғаффорович — «Турон» ҳиссадорлик жамиятининг бош муҳандиси

ЕРЗИН Ринат Азизович — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директор ўринбосари

ЖЎРАЕВ Қудратилла Ҳамидуллаевич — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг устаси

ПРОКОПЕНКО Александр Николаевич — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўймакор-қолипчиси

ТОШПЎЛАТОВ Абдували Набиевич — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг устаси

ФИЛАНЧУК Василий Карпович — «Кумуш» қўшма корхонасининг директори

### ВА ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

АШУРОВ Муҳсинжон Хуррамович — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

АФАНАСЬЕВА Нина Павловна — «Турон» ҳиссадорлик жамиятининг бўёқчилар бригадаси бошлиғи

ЗОКИРОВА Гулшат Фатиховна — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг устаси

КЎДАШКИНА Тамара Валентиновна — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим бошлиғи

РАҲИМОВ Олимжон Қўчқорович — «Турон» ҳиссадорлик жамиятининг бригада бошлиғи

САГИДУЛЛАЕВА Инобат — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораториясининг мудири

САИДБОЕВ Рустам Фотиҳович — «Турон» ҳиссадорлик жамиятининг бригада бошлиғи

ШАРИПОВ Юрий Ҳакимович — «Турон» ҳиссадорлик жамиятининг бош муҳандиси

ҚОЗОҚХОНОВ Авазхон Самуйддинович — «Маҳаллий саноат» корпорациясининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 9 февраль

## ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ЎТКАЗИШ — ДАВР ТАЛАБИ

10 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Дон маҳсулотлари давлат акционерлик корпорацияси кенгашининг мажлиси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар, дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи акционерлик уюшмаларининг раислари, корпорацияга қарашли барча корхоналарнинг директорлари ва бош бухгалтерлари, мутахассислар иштирок этди.

Мажлисни республика бош вазири Абдулҳошим Муталов бошқарди.

Мажлисда тармоқ корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Корпорация раисининг ўринбосари И. Тўйчиев шу ҳақда маъруза қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ислоҳотларни изчиллик билан ўтказиш ва уларни тобора чуқурлаштиришга жуда ҳам катта аҳамият бераётгани, ислоҳот ҳар бир кишининг зиммасига улкан масъулият юклаётгани, у албатта охирига етказилиши зарурлиги айтиб ўтилди. Бу давлатимиз раҳбарининг куни-кеча Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқида яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топгани таъкидланди.

Мажлисда тармоқ корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги ишлар бугунги кун талабига жавоб бермаётгани, соҳада иқтисодий ислоҳотлар ҳамон суст олиб борилаётгани, улар сифат жиҳатидан эмас, балки сон жиҳатидан ўтказилаётгани қайд этилди, йўл қўйилаётган бундай камчиликларни бартараф этиш, бунинг учун муҳим тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни тезда амалга ошириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Давлат мулкини бошқариш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен мажлисда сўзга чиқди.

Мажлисда, шунингдек, тармоқда ҳисоб-китоб ишларининг ҳолати, уни такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари ҳамда дебитор ва кредитор қарзларни тугатиш тўғрисидаги, корпорация фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

## ИСЛОҲОТ МЕЗОНИ — ОДАМЛАР ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШДИР

*Илгари хабар қилинганидек, 8 февраль куни Тошкентда Президент Ислом Каримов иштирокида республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари таклиф этилган мазкур мажлисда 1994 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мажлисни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.*

Мажлисда таъкидлаб ўтилдики, ўтган йили иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар чуқурлашди. Бозор муносабатлари сари йўл қатъийлашди. Унинг конституцион-ҳуқуқий ва ташкилий асослари мустаҳкамланди.

Мамлакатда кўп тармоқли иқтисодиёт шаклланмоқда, товарлар, меҳнат, сармоя ва қийматли қоғозлар бозори фаолият кўрсата бошлади. Республикадаги корхоналарнинг 67 фоизи, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва халқ хўжалигида ишловчи ходимларнинг деярли 50 фоизи давлатга қарашли бўлмаган тармоқ улушига тўғри келмоқда. Миллий валютанинг жорий этилиши, танлаб кредит бериш натижасида ёқилғи-энергетика саноати, приборсозлик, микробиология, енгил ва озиқ-овқат саноати анча барқарор ривожланди. Нархлар эркинлаштирилиши натижасида йил охирига келиб пул қадрсизланишининг ўртача ойлик даражаси 2 баравар камайди. Бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3,2 фоизини ташкил этди. Тайёр маҳсулот салмоғи 28,8 фоиздан 33,2 фоизга ўсди. Дон етиштириш ва нефть ишлаб чиқариш кўпайди.

МДҲ мамлакатлари билан ўзаро савдода биринчи марта ижобий сальдога эришилди, яъни уларга сотилган маҳсулот ҳажми республикага олиб келинганидан ортиқ бўлди.

Шу билан бирга, айрим соҳаларда ислоҳот расмиятчилик билан амалга оширилмоқда. Хўжалик юритиш механизмини ўзгартиришга, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга етарли эътибор берилмаяпти. Айниқса, қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш сусткашлик билан амалга оширилмоқда.

Мажлисда республика Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

Бугун биз фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, қандай ютуқларга эришдик, қандай камчиликка йўл қўйдик, қандай имкониятлар мавжуд — буларнинг барчасини назардан ўтказиб, ўз ишларимизга рўй-рост, ҳаққоний баҳо бермоғимиз лозим, деди Президент. Айниқса, ислоҳот ҳар биримизнинг зиммамизга нақадар улкан масъулият юклашини, уни охирига етказмасак, халқимиз олдида жавоб беришга тўғри келишини унутмаслигимиз керак.

1994 йил якунлари ҳақида гапирар эканмиз, аввало, шуни айтиш жоизки, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг кескин камайиб кетишига йўл қўйилмади, халқ хўжалигининг устивор йўналишларида эса ўсишга эришилди. ҳақиқат таққосларда намоён бўлади, дейдилар. Шу нуқтаи назардан қарасак, 1994 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бизда 3,5 фоиз камайган бўлса, бу кўрсаткич Россияда 16 фоиз, Қозоғистонда 25,4, Белорусда 20 фоизни ташкил этди. Агар солиштириш учун 1991 йилни оладиган бўлсак, фарқ ундан ҳам катта. Масалан, бизда саноат ишлаб чиқариши 1991 йилга нисбатан атиги 2 фоиз камайган бўлса, Россияда 44 фоиз, Белорусда 32 фоиз, Украинада 38 фоиз, қўшнимиз Қозоғистонда эса 48 фоизга етди.

Бундай таққосларни чакана савдо товар обороти, капитал сарфлар ҳажми, аҳолининг пул даромадлари каби бошқа энг муҳим кўрсаткичлар бўйича ҳам келтириш мумкин.

Бу меҳнаткаш халқимиз йил мобайнида фидокорона меҳнат қилганини, иқтисодий тараққиётнинг тўғри йўлини танлаганимизни кўрсатади. Қолаверса, гап рақам ва кўрсаткичларда ҳам эмас. Балки, ислоҳотнинг одамлар тушунчасига таъсирида, уларнинг ҳаётини, дунёқарашини нечоғли ўзгартираётганидадир. Бошқача айтсак, барча фаолиятимиз, ўтказаётган ислоҳотимиз халқимиз ҳаётида нима ўзгарди, деган асосий мезон билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан қараганда, 1994 йил биз учун кескин бурилиш йили бўлди ва унинг натижалари билан фахрлансак, самарали меҳнат учун халқимиздан миннатдор бўлсак арзийди.

Ўтган йилнинг муҳим воқеаларидан бири — республиканинг ўз миллий валютасига ўтиши бўлди, дея таъкидлади Ислом Каримов. Бу мустақил ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар йўлини ўтказиш, суверен валюта сиёсати олиб бориш учун янада тўлиқроқ имкон берди. Бу, айниқса, пулнинг қадрсизланишини пасайтиришда намоён бўлди. Бизда шу йил январь ойида эмиссия 1,2 фоизга тушди. Бу катта ютуғимиздир.

Биз хусусийлаштиришни иқтисодий ислоҳотнинг асосий шарти, деб биламиз. Шу маънода давлат мулкини хусусийлаштириш жараёни суръати ошмоқда. Республикада маҳаллий саноат корхоналарини, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини хусусийлаштириш амалда тугалланди. Ўтган йили республикада 10 мингга яқин объект мулкчилик шаклини ўзгартирди. Энди халқ хўжалигининг базавий тармоқларини, оғир саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш бошланмоқда.

Бугунги кунда давлат тасарруфидан чиққан ва хусусийлаштирилган корхоналарда 4 миллиондан ортиқ киши ишламоқда. Яъни, бутун халқ хўжалигида ишлаётганларнинг ярмиси эркин бозор муҳитида, боқимандалик асоратларидан қутилиб, тирикчилигини ўтказмоқда. Бу ҳам эътиборга молик воқеадир.

Лекин қишлоқда ислоҳот суст кечмоқда. Бизнинг қишлоқ аҳлидан қарзимиз кўп. Биз уларнинг газини, сувини, йўлини жой-жойига қўйиб, юзларига тик қарайдиган бўлишимиз керак. Буни мен Президент сифатидаги бурчим деб биламан. Айниқса, қишлоқда ишловчиларнинг 60 фоизини саноатга, хизмат соҳаларига ўтказишни ташкил этиш зарур.

Республикада хорижий инвестиция соҳаси кенгаймоқда. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, республика тадбиркорларининг ишбилармонлик фаолиятини ошириш учун қулай шароитлар яратилди ва уларнинг кафолатлари мустаҳкамланди. Хорижий инвесторлар иштирокида бир ярим минг корхона ташкил этилди.

Ўзбекистон иқтисодини қарамлик, боқимандалик асоратидан халос қилиш ва устивор соҳаларда бутунлай мустақилликка эришиш, бу — иқтисодий мустақиллик демакдир. Иқтисодий мустақиллик — аввало, ҳар бир давлатнинг ўз аҳолисини озиқ-овқат, халқ хўжалигини ёқилғи-энергетика маҳсулотлари билан таъминлаши ва чет элга маҳсулот экспорт қилиш имкониятлари билан белгиланади. Хўш, бу соҳада нима ишлар қилинди?

Масалан, илгари Россиядан 4,5 миллион тонна нефть келтирилган бўлса, бу йилги режамиз бор-йўғи 750 минг тонна нефть сотиб олиш. Насиб этса, 1996 йилдан бошлаб халқ хўжалик эҳтиёжларини тўла ўз нефть маҳсулотларимиз билан таъминлаймиз. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган газ миқдорининг ошиши ҳисобига 320 миллион долларни тежаб қолиш имконига эга бўлдик! Бундай мисолларни металлургия, химия, машинасозлик ва бошқа йирик тармоқларда ҳам кўриш мумкин.

Озиқ-овқат, айниқса, дон маҳсулотлари билан ўзимизни таъминлаш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Масалан, илгари 5—6 миллион тонна ғалла четдан келтирилган бўлса, ҳозир бу миқдор 3,5 миллион тоннани ташкил этди. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари келтириш 7 баравар камайди, сут ва сут маҳсулотлари эса 28 фоиздан 5 фоизга тушди. Бундан ташқари, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган бир қанча маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, олинган кредитларнинг барчаси аниқ жойига эга бўлиб, келажакда ўзини оқлайди ва фойда келтиради. Бу пухта ҳисоб-китоб қилинган. Улар бировдан тилаб олинган қарз эмас. Ўзини ҳурмат қилган халқ, давлат бундай қилмайди, бировга қўл чўзиб бормайди. Биз ана шу ақидага амал қилиб келдик ва бундан кейин ҳам шундай қиламиз. Кўплаб йирик иншоотларга ўзимиз ишлаб топган валюта ҳисобидан 550 миллион доллар миқдорида кредит бердик. Асака автомобиль заводига 120 миллион сарф қилдик. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи эса 400 миллион доллар туради, Дўстлик шаҳридаги «Мерседец-Бенц» автомобиллари заводига эса йилнинг ҳар чорагида 24 миллион доллар ажратилмоқда. Буни ким изоҳлайди? Бундай манзарани собиқ Иттифоқ республикаларининг қайси бирида учратиш мумкин? Бундан ташқари, 600 миллион доллар хорижий банкларда турибди.

Хўш, биз ҳам фақат шу кунни ўйласак, ана шу пулга озиқ-овқат олиб келиб одамларнинг қорнини тўйғазишимиз мумкин эмасми? Мумкин. Лекин эртага нима бўлади? Биз шуни ўйлашимиз керак. Бу сарфланган маблағ эртага бўлмаса, индинга самара беришини унутмаслигимиз лозим. Халқимиз буни яхши тушунади. Шунинг учун ҳам бу сиёсатни — иқтисодий мустақилликка эришиш йўлини қўллаб-қувватламоқда.

Республикада ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида 1994 йилда нархларнинг эркинлаштирилиши билан бир вақтда иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдори бир неча марта оширилди.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўз-ўзини бошқариш органларининг махсус ҳисобларига давлат бюджетидан 310 миллион сўмдан зиёд маблағ ўтказилди. Болали оилаларга давлат ёрдами кўрсатишнинг ягона тизими жорий этилди.

Ҳа, бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий вазият МДҲдаги кўплаб мамлакатларга қараганда анча яхши десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди, дея таъкидлади Президент. Лекин бу республика халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи бизни қониқтиради, деган маънони билдирмайди. Шу маънода 1995 йилдаги ва истиқболдаги вазифалар асосан нималардан иборат?

Бу йил ҳам хусусийлаштириш асосий масала бўлиб қолади. Чунки бу жараён умуман олганда, ҳали тугаллангани йўқ. Ўртача ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳар бир ҳолатни алоҳида кўриб чиққан ҳолда ўтказилиши керак. Муҳими, тармоқнинг ишлаб чиқаришдаги улуши кескин ошишига эришмоқ даркор. Ўтган йилги кўрсаткич — 8 миллион сўмлик маҳсулот ҳеч кимни қониқтирмайди.

Иккинчи муҳим вазифа — миллий валютамиз қудратини янада ошириш, инфляцияни жиловлаш, нарх-навони барқарорлаштиришдан иборатдир. Шу йўл билан аҳоли даромадларини нарх-наво билан мувофиқ келишига эришмоғимиз лозим. Умуман олганда, бошқа барча ишлар ҳам ушбу муаммони ҳал этишга боғлиқдир.

Айниқса банклараро биржада айланадиган чет эл валютаси миқдорини кескин ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш лозим.

Муҳими, қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг тўла ишлашига эришмоқ даркор. Зеро, уларни қабул қилиш биринчи масала бўлса, ҳаётга татбиқ этиш иккинчи, асосий масаладир.

Одамлар руҳиятини ўзгартириш борасидаги ҳаракатларимиз ҳам сезиларли натижа бермоқда. Одамлар аста-секин боқимандалик кайфиятидан халос бўлмоқда. Бу ҳол, айниқса, ёшлар орасида кузатилаётгани кишини қувонтиради.

Бир пайтлар қарамлик туфайли дон, гўшт, сут сингари асосий тирикчилик воситаларига ҳам муҳтож бир аҳволга тушиб қолган эдик. Биз мана шундай вазиятда мустақил давлат қуришга киришдик. Бировга қарамлик, боқимандалик кайфиятининг аста-секин дунёқарашимиздан йўқолиб бораётгани катта ютуқларимиздан биридир. Ён-атрофимиздаги кўпгина давлатлар фақат ўзини сақлаб қолиш ҳақида қайғураётган бўлса, биз келажак ривожи ҳақида, иқтисодий-маънавий тараққиёт ҳақида ўйламоқдамиз.

Бу ҳақиқатни очиқ эътироф этмасак, менимча, гуноҳ бўлади.

Ўзлигини англаган ва ўзгаларни ҳам тан оладиган, ўз маданияти, санъати ва кўп асрлик ноёб меросини янада бойитиш ҳақида доимо қайғурадиган халқ билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Биз истиқлол шарофати туфайли эришган энг катта ютуғимиз одамларда пайдо бўлаётган ва тобора мустаҳкамланиб бораётган келажакка ишонч ва масъулият туйғусидир.

Мен жойлардаги учрашувларда, кундалик мулоқотларда ҳаётдаги янги ва яхши ишлар туфайли одамлар юзида ишонч, мамнуният ифодаси акс этиб турганини кўрсам, бир олам куч-ғайрат топаман. Эгнига тўн, бошига дўппи кийган, қўли қадоқ меҳнаткаш кишилар билан, фариштали отахонлар билан учрашганимда, уларнинг юз-кўзида, чеҳрасида ўтган кунидан розилик, ҳаётдан хурсандлик аломатларини кўрсам, бошим кўкка етгудай бўлади. Улар бизнинг ишларимизни қўллаб-қувватлаб турганини, уларнинг юрагида эртанги кунга ишонч барқарор эканини ҳис этмоқдан ортиқ бахт борми!

Шу маънода, 1995 йил — мамлакатимизда иқтисодни барқарорлаштириш йўли бўлиши керак. Синовларга барҳам бериш вақти етди.

Барчамиз ана шу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмасдан, шу жафокаш ва мард халқнинг содиқ фарзандлари бўлиб, унга садоқат ва ҳалоллик билан хизмат қилсак, биз албатта ўз мақсадимизга етамиз, деб таъкидлади Ислом Каримов пировардида.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосарлари — «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси раиси М. Шарифхўжаев, молия вазири Б. Ҳамидов ҳамда республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажоновнинг муҳокама этилган масала юзасидан маърузалари тингланди. Музокараларда сўзга чиққан давлат солиқ қўмитасининг раиси Ш. Гатаулин, Бош вазир ўринбосари — давлат мулкини бошқариш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен, Фарғона вилоят ҳокими М. Исломов, кимё саноати концерни раиси Н. Юсупбеков, Бекобод металлургия заводи директори А. Анохин иқтисодий ислоҳотларнинг жойларда ҳаётга татбиқ этилиши, саноатни қишлоққа яқинлаштириш, молия интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш борасида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Мажлисда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

Аҳмад ХЎЖА.
(ЎзА).

# Тошкент чинниси



Сеҳргарнинг таёқчаси теккан буюм олтинга айланиб қолганидек, моҳир уста қўлида сайқал топган лой ҳам санъат асарининг ёрқин намунаси бўла олади. Табиийки, ана шундай оддий уй-рўзғор буюми нафақат ҳунарманд, балки юрт номини ҳам бутун оламга ёяди.

Тошкент чинни заводи жамоасидаги қўли гул уста, кулоллар меҳнатини ҳам ана шундай баҳолаш мумкин.

Бу корхонанинг тамал тоши қўйилганига ҳам салкам ярим аср бўлди. Дастлаб 400 га яқин ишчи-хизматчидан иборат кичик жамоа фаолияти ҳозирги кунда кенгайиб, иш жойлари ҳам замонавий технология қуроллари билан жиҳозланиб, ходимлар сони 4000 нафарга етди.

Завод жамоаси рақобат бардош, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқараётганлиги таҳсинга лойиқ.

— Биз учун миқдор эмас сифат шиори дастуриламалдир. Негаки, бугунги кунда харидорнинг талаб-эҳтиёжларини тўла ҳисобга олмаган ютқазади, — дейди жамоа бошлиғи Ф. Раҳматуллаев. — Кўриб, кузатиб турибмиз: иқтисодий тангликка дош беролмаётган корхоналар оз эмас. Ана шундай вазиятга тушиб қолмаслик мақсадида заводимизга анча қийинчиликлар билан келтирилаётган хом ашёдан унумли фойдаланаяпмиз. Халқимизнинг «Етти ўлчаб, бир кес» мақолига риоя этиб, сифатли, айни чоғда жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун изланишлар олиб бораяпмиз.

Собиқ иттифоқ даврида Белорусь, Россиядан келтирилиб турган тайёр хом-ашёларга одатланганимиз учун дастлаб шошиб қолдик. Аммо ҳаёт ҳамма нарсани ўргатиб қўяр экан. Бор тажриба ва имкониятларни ишга солиб, бир қисм хомашёни маҳаллий корхоналардан шартнома асосида олишга эришаяпмиз. Турли хил керамик бўёқлар, ўтга чидамли айрим плиткалар, қолипларни эса ўзимиз ишлаб чиқара бошладик. Илгари чиннига суртиладиган тилла суви Москвадан эритилган ҳолда келтирилар эди. Эндиликда уни суюлтириш йўлларини ихтиро қилиб, ўзимизда тайёрлаяпмиз.

Ҳатто бошқа заводларга ҳам шу соҳада ёрдам бермоқчимиз...

Тошкент чиннилари ҳар йилгидек халққа бекаму кўст етказиб турилибди. Ўтган давр мобайнида завод жаҳон миқёсидаги халқаро сотув-кўргазмаларида фаол иштирок этиб, иккита олтин медаль соҳиби бўлган. 1977 йил Германияда «Оқ олтин», 1979 йил Югославияда «Тонг» жамлама чиннилари учун, бундан ташқари Бирлашган Араб Амирликлари, Америка Қўшма Штатлари, Эрон, Европа давлатларида Тошкент чинниси ёрлиқлар олган. Бу совринлар Тошкент чиннилари жаҳондаги бошқа чинничиларнинг маҳсулотлари билан бемалол рақобатлашаётганидан дарак беради.



Хусусийлаштириш тўғрисидаги ниятлар амалга ошиб, корхона 1994 йил 30 июнда акциядорлик жамиятига айлантирилди. Ҳозир акциялар сотилмоқда. Бу ҳам келажакка бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди.

Ҳа, кишига баъзан нимадир таскин беради. Айни чоғда Тошкент чинни заводининг фаолияти билан яқиндан танишар экансиз, элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган ёшлар борлигидан шукр қилгингиз келади. Аммо бу гўзаллик ортида қанчадан-қанча машаққат, заҳматли меҳнат ётганини қўли гул ишчилар, яхши билишади. Албатта, бу қилинган ишлар, чекилган ташвишлар изсиз кетаётгани йўқ — сизу бизни яхши тўйларга, фараҳли кунларга умидлантиради. Зеро, ҳамиша чинни жилоси-ю жаранги барчамизнинг хонадонимизни тарк этмасин.

У. ХОННАЕВА.

Суратларда: 1. Рассом Раъно Қорабоева 2. Энг сўнгги нусхадаги «Куз» ва «Нозанин» жамлама чиннилари ҳадемай халқимиз дастурхонининг кўркига айланади. 3. Тажрибали, қўли гул уста Мунира Зокирова ўз меҳнатидан мамнун.

К. ЎЛМАСОВ олган суратлар.



# ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Ислоҳот ҳар биримизнинг зиммамизга нақадар улкан масъулият юклашини, уни охирига етказмасак халқимиз олдида жавоб беришга тўғри келишини унутмаслигимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

*Истиқлол одимлари*

*Республикамизда бугунги кунда 26141 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда, улардан 58,9 фоизи хусусийдир.*

## ХЎЖАЙЛИНИНГ ЙИГИТЛАРИ

- «Жаҳонгир»нинг келинларга ҳадяси
- Шиша синиқларидан бежирим буюмлар
- «Қобул» кичик корхонаси

Қорақалпоғистон ойнаижаҳони ва овозниготи орқали хонанда Бибиробия Утапбергенова ижросидаги «Хўжайлининг йигитлари» қўшиғи тез-тез бериб борилади. У қўшиқда хўжайлилик йигитларнинг ўктамлиги, зукколиги, мардлиги-ю меҳнатсеварлиги тараннум этилади. Ҳақиқатан ҳам Қорақалпоғистон Республикасида уларнинг ўз ўрни, ўз керагаси бор.

Хўжайли мустақил давлатимиз «темир излари»нинг шимолий дарвозаларидан биригина эмас, катта саноат, ривожланаётган қишлоқ хўжалиги ҳамда маданият маркази ҳисобланади.

Ишлар олға силжишида хўжайлилик ёшларнинг ҳам хизмати катта бўлмоқда. Улар халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Хўжайли туман ташкилоти ҳисобида 13 минг нафардан ортиқроқ аъзо бўлиб, улар 150 та бошланғич ташкилотларга бирлашганлар. Ёшлар Иттифоқининг 1500 нафар аъзоси бевосита қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлаб, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шунингдек, саноат корхоналарида ёшлар ташкилотининг 2000 нафардан ортиқ аъзоси баракали тер тўкмоқда. Масалан, жами 1000 киши ишлайдиган тўқимачилик комбинати жамоасининг 80 фоизи ёшлардан иборат.

Тумандаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш комбинати «Суғдиёна» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди. Корхонанинг номигина эмас, ишлаб чиқариш тарзи, тизими ҳам тубдан ўзгарди. У ерда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча тадбирлар амалга оширилмоқда. Италия тадбиркорлари билан қилинаётган ҳамкорлик бу ерда йилига 42 минг квадрат метр аъло сифатли гилам ишлаб чиқариш имконини беради.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда «Жаҳонгир» ҳиссадорлик жамияти фаоллик кўрсатмоқда. Жамият аҳоли учун зарур бўлган қатор маҳсулотлар билан бир қаторда мебель тайёрлашни йўлга қўйди. Дастлабки мебель намуналари хўжайлилик ёш келин-куёвларга тортиқ қилинди.

Халқ ҳунармандчилиги анъаналарини тиклашда ҳам ёшларнинг улуши сезиларли бўлаётир. Масалан, Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигида ташкил этилган кулолчилик цехида ёш усталар қадимий санъат сирларини қунт билан ўрганмоқдалар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш маҳаллий саноатнинг хом ашё имкониятларини ҳам кенгайтирмоқда. Мисол учун оддий шиша синиқларини олиб кўринг. Авваллари улар шунчаки чиқит ҳисобланар эди. Тумандаги «Космос» кичик корхонасида эса биз нокерак деб ўйлаган ушбу шиша синиқларидан бежирим уй-рўзғор буюмлари тайёрланмоқда. Қаловини топса қор ҳам ёнади, деганлари рост экан.

Хўжайли наинки иқтисодиёт, балки спорт соҳасида ҳам тилга тушаётган элдир. XII Осиё ўйинларининг чемпиони, боксчи Алишер Авезбоевни ким билмайди, дейсиз! Хўжайлида Алишернинг издошлари кўпаймоқда. Жумладан, Келдибой Ибисинов ва Баҳром Собировлар нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгалладилар. Туманда байналмилалчи жангчиларга эътибор яхши. Бошқа жойларда бўлгани каби уларга муайян имтиёзлар берилмоқда. Ҳалок бўлган байналмилалчи жангчилар оилалари эътиборда бўлаётир. Айни пайтда байналмилалчиларнинг ўзлари ҳам қараб туришгани йўқ. «Қобул» номли кичик корхона очиб, туман тараққиётига муносиб улуш қўшмоқдалар.

— Ёшларимиз Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, ўз ҳиссаларини қўшмоқда. — дейди Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Хўжайли туман қўмитаси биринчи котиби Пўлат Асомиддинов. — Яқин ўтмишда биз кўпроқ шиорлар билан яшар эдик. Энди амалий ишлар қилиш вақти келди. Биз айнан шу йўналишда ҳаракат қиляпмиз!

Ҳа, Хўжайли йигитлари таҳсинга лойиқ ишларни уддаламоқдалар. Бу эл қизлари ҳам бунёдкорликда улардан қолишмаётирлар. Келинг, яхшиси бу ҳақда алоҳида сўз юритармиз!

Янгибой БОЗОРБОЙ ўғли,
«Туркистон» мухбири.

*Қанотли хабар*

## ҚИШЛОҚДА ТЕГИРМОН

Мустақиллик тадбиркор ва ишбилармонларга кенг имкониятлар яратди. Тўғриси ишлайдиган давр келди. Бундан Шаҳрисабз туманидаги «Ҳисор» жамоа хўжалигининг Омоғон қишлоғида яшовчи Қўйсин Бойқобилов ҳам бебаҳра қолгани йўқ. Унинг саъй-ҳаракати туфайли гузарда тегирмон ишга тушди.

Тегирмон бир кеча кундузда, 1,8-2 тоннадан ортиқроқ ғаллани унга айлантириш қувватига эга. Қишлоқ аҳли энди «унни қаерда тортиш керак», деган ташвишдан қутилди. Йўқса, 6-10 километр узоқликка олиб боришга тўғри келарди-да.

Шукрулла АЛИҚУЛОВ,
«Туркистон» мухбири.

*Самарқанд томонларда*

## МЕҲРИБОНЛИК

...ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган инсоний хислатлардан биридир. Вилоят газлаштириш бошқармасидагилар бир йўла икки қалби кемтикка меҳрибончилик қилишмоқда. Уларнинг, ҳатто, келажаклари ҳақида ҳам қайғуришмоқда. Гап шундаки, шаҳардаги 9-болалар уйинингг тарбияланувчилари бўлган Азиз Султонов ва Дилноза Қодировалар номига банкда алоҳида ҳисоб рақами очилган бўлиб, газчи акалари уларга ҳар ойда 100 сўмдан пул ўтказиб туришибди. Фақат бугина эмас. Бу болалар катта бўлишгач, газчи амакиларининг изларидан боришмоқчи. Улардек халққа хизмат қиладиган хайрли касбни танлашмоқчи.

## ҚИШЛОҚДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ...

...биладиганлар кўпайиб бормоқда. Сабаб — Паст Дарғом туманидаги 8-мактаб инглиз тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган. Шунинг учун ҳам мактаб ўқувчилари бу тилни мукаммал ўрганишмоқда.

Машғулотларни малакали педагоглар олиб боришади. Чунки бу иш шартнома асосида амалга оширилганлиги учун ҳам пуллик. Агар битта оиладан 2-3 фарзанд машғулотларга қатнашса, улар маблағнинг ярмини тўлашади.

Машғулотлар кўпроқ оғзаки ўтказилади, эркин сўзлашишга катта эътибор берилади. Тил ўрганиш хоналарида керакли барча жиҳозлар мавжудлиги ҳам тил ўрганишни осонлаштирмоқда.

## ХАЙРИЯ ПОЛИКЛИНИКАСИ

...очилди. Бу даволаш маскани Жанубий Корея Республикаси Умумжаҳон миссионерлари ассоциацияси ҳомийлигида ташкил этилди. Самарқандда очилган бу поликлиникада Кореяда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар ва тиббий усуллар билан беморларга бепул хизмат кўрсатилади.

Бу саховатпешаликдан бошқалар ҳам ибрат олишса — арзирли.

## ЯНА БИР ЯНГИЛИК

Самарқандга дунё ишбилармонларининг назари тушаётгани сир эмас. Германиянинг машҳур «Фольксваген» автомобиль фирмаси бу ерда ўз корхонасини очишга қарор қилди. Қурилиш ишлари «Самрад» — ўзбек-швейцария қўшма корхонаси зиммасига юкланди. Чунки германиялик автомобилсозлар янги автомарказнинг «Самрад» мутахассислари томонидан яратилган ажойиб лойиҳасини ёқтириб маъқуллашдилар.

Бу корхона шаҳардаги собиқ қил-шчётка фабрикаси ўрнида қад кўтаради.

Ишбилармонлар тезкорликни ҳам ёқтиришади: янги корхона шу йилнинг июль ойида тўла қуриб, фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

*Ислоҳотлар йўлида*

## ХИВАНИНГ «ЗИЛ»ЛАРИ

Ҳа, эндиликда кўҳна ва қадимий шаҳар Хивада «Зил» автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Бундан роппа- роса икки ярим йил илгари Хоразм автомобиль заводи бирлашмаси ҳамда унинг эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш заводи биринчи маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлаганди. Россия билан мустаҳкам алоқа ўрнатган бирлашма жамоаси қисқа фурсат ичида маҳсулот тайёрлаш сир-асрорларини ўзлаштириб олишга эришди.

Дастлаб бу ерда «Зил» маркали машиналарнинг энг муҳим эҳтиёт қисмлари—поршенлар, гильзалар ишлаб чиқарилди. Москвадаги Лихачев номли завод бу ёш корхонани ўз оталиғига олди. Аввало ҳамкорлар эҳтиёт қисмлар тайёрлайдиган механизмлар, асбоб-ускуналарни жўнатдилар. Ҳозирги кунга келиб бу ерда «ЗИЛ»нинг йигирмага яқин эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариляпти.

Шуниси эътиборга лойиқки, тайёрланаётган эҳтиёт қисмларга қўшни республикаларда ҳам талаб катта. Йирик ташкилотлар шартнома асосида завод маҳсулотларини сотиб олмоқдалар.

Ҳар томонлама манфаатли иқтисодий ҳамкорликнинг самаралари катта бўляпти. Корхона бир йилнинг ичида Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорациясига қарашли Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди. Айни кунда эса бирлашмага қарашли эҳтиёт қисмлар заводи, автокорхоналарни таъмирлаш—қурилиш участкасида иш қизғин тус олган.

Ҳа, бугун-эрта Хива «ЗИЛ»и ҳам дунё бозорида муносиб ўрнини топишига шубҳа йўқ.

О.ИСМОИЛОВ.

*Мулк эгаси билан гўзал*

## ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

**— дейди Ғаллаорол шаҳридаги 89-хусусий дорихона мудири Абдулҳаким Эргашев.**

— Абдулҳаким ака, кўпгина ишнинг кўзини билган тадбиркорлар дўконларни, меҳмонхоналарни сотиб олишаяпти. Сиз эса шаҳардаги дорихонани хусусийлаштириб олибсиз.

— Ҳар ким тадбиркорликни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қилади. Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, мутахассислигим доришунос. 1975 йил Тошкент Фармацевтика институтини битирганман. Тўғриси, туманимизда дори-дармон билан таъминлашда узилишлар бўлгани учун дорихонани хусусийлаштириб олишга жазм қилдим. Ҳозир беш киши ишлаяпмиз. Энг асосийси одамлар биздан миннатдор. Озми-кўпми уларга ёрдамимиз тегаяпти. Дардига малҳам бўлаяпмиз. Кўпгина ногиронларга, уруш, қатнашчиларига ўзимизнинг ҳисобимиздан текинга дори-дармон бераяпмиз.

— Дориларни қаердан олаяпсизлар?

— Биз дориларнинг асосий қисмини Россия Федерациясидан ҳамда Белорусь Республикасидан бартер асосида олиб келаяпмиз. У томонларга ерёнғоқ, майиз каби ўзимизда етиштирилган маҳсулотлардан жўнатиб, айирбош қилаяпмиз. Баъзи дориларни эса дорихонамизда тайёрлаймиз. Тошкент ва Самарқанддаги дори тайёрлайдиган ташкилотлар билан ҳам алоқамиз яхши. Барча имкониятларни ишга солиб, бугунги кунда туманимиз аҳолисини дори-дармон билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Туман ҳокимлиги ҳам бизга қўлдан келганча ёрдам бераяпти. Айниқса, Президентимизнинг кейинги пайтларда ишбилармонларни қўллаб-қувватлаб, чиқараётган фармонлари бизга жуда қўл келаяпти.

— Баъзи жойларда хусусий корхона раҳбарлари ишга ҳалақит берадиган ноўрин текшир-текширлардан нолишади.

— Бу гапингизда жон бор. Ҳалиям эскича ишлайдиган бюрократ шахслар йўқ эмас. Улар қилдан қийиқ ахтаришиб, ишлаш учун имконият бермайди. Бизнинг хусусий дорихонамизни ҳам уч ой ичида 17 марта текширишди. Камчилик топишолмади. Улар фақат бизнинг вақтимизнигина ўғирлашди. Қанчалаб беморлар ўз вақтида дори-дармонларни ололмади.

— Абдулҳаким ака иш бор жойда муаммо бўлиши табиий. Сизларда қандай муаммолар бор.

— Мен бир нарсани алоҳида айтиб ўтишни истардим. Бозорда кийим-кечак билан ёки бошқа бирор мол билан олди-берди қилиш мумкин. Лекин дори билан чайқовчилик қилиб бўлмайди. Айтмоқчиманки, баъзи ишбилармонлар турли шаҳарлардан дориларни олиб келиб, кўчакўйиларда, бозорларда сотишаётганининг гувоҳи бўламиз. Бу жуда хавфли. Дорилар махсус жойларда сақланиши керак. Баъзи муддати ўтган дорилар ҳам беморларга акс таъсир қилиши мумкин. Мен буни мутахассислигим доришунослик бўлганлиги учун айтаяпман. Халқимизда бир гап бор: «Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деган. Энди ўзимизнинг муаммоларга келсак, туманимиз банкидаги ўртоқлардан бизга дори-дармонлар олиб келиш учун қарз беришса, ўйлайманки, барча муаммони бизнинг кичик жамоамиз ҳал қилади. Бизнинг мақсадимиз битта, беморлар дардига малҳам бўлиш.

Ў. РАИМҚУЛОВ.

# БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

## Хориждан хабарлар

### БАҲСЛАРГА САБАБ БЎЛМОҚДА

Болтиқбўйи мамлакатлари президентлари 9 май куни фашистлар устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Москвада бўладиган тантаналарда иштирок этиш ҳақида ҳали бирор қарорга келишгани йўқ.

Борис Ельциннинг бу ҳақдаги таклифини Латвия Президенти Гунтис Улманис 1 февраль куни, Литва раҳбари Альгирдас Бразаускас эса 8 февраль куни олган эди. Латвия Республикасида бу таклифни қабул қилиш керакми ёки йўқми, деган масала қизғин баҳсларга сабаб бўлмоқда.

### ТУМАН ДАРЁСИ ОРҚАЛИ...

Россия—Хитой чегарасида Россия ҳукуматининг махсус синчилар гуруҳи демаркация ишларини ўрганишга киришди.

Хитой билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳудудий баҳсларга сабаб бўлган жойларда чегараларни қайта белгилаш ишлари ўтган бир йил давомида амалга оширилган эди. Афтидан, бу иш ҳали яна давом этади. Чунки, демаркациядан сўнг Хитой 15 квадрат километр ҳудуддан ташқари Туман дарёси орқали денгизга чиқиш йўлига ҳам эга бўлиши мумкин.

### ДАВЛАТ БАНКИНИНГ ДИРЕКТОРИ НИМА ДЕЙДИ?

1995 йил Вьетнам иқтисодиёти учун хайрли йил бўлиши мумкин, деди мамлакат давлат банкининг директори Као Ши Кием журналистлар билан суҳбатда.

Унинг сўзларига қараганда, жорий йилда мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръати энг камида 9 фоизни ташкил этади. Пулнинг қадрсизланиши эса 10 фоиздан ҳам ошмайди. 1994 йил Вьетнамда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 17 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган эди.

### ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ ЁПИБ ҚЎЙИЛДИ

Япония авиакомпанияси «Жал»нинг Москва банкларидаги ҳисоб рақамлари ёпиб қўйилди.

Россия ҳукумати ушбу Япония фирмасидан даромади ва мамлакат ҳудудидаги фаолияти ҳақида маълумот бериб туришни талаб қилмоқда. Ўз навбатида «Жал» авиакомпанияси бундай ахборотлар бермаслик ҳуқуқини қўлга киритиш ниятида қатъий турибди. Фирма вакилининг айтишича, «Жал» икки томонлама имзоланган шартномалар ва халқаро тажриба бўйича ҳам бу хил мажбуриятдан озод этилган.

### КОНЧИЛАРНИНГ ТАЛАБИ...

Россия Федерациясининг Тула вилоятидаги «Западная», «Подмосковная» ва «Майская» шахталарининг бир кунлик огоҳлантирувчи иш ташлашда қатнашган кончилари сиёсий шартлар билан чиқди.

Улар ҳукуматнинг истеъфо беришини ва Президент сайловини муддатидан аввал ўтказишни талаб қилдилар. Вилоятдаги қолган кончилар эса фақат иқтисодий шартлар билан чегараланди.

### ҚОР ҚАЛИН ЁҚҚАЧ...

Ўтган ҳафта давомида Тожикистоннинг Помир ҳудудида қор жуда қалин ёғди.

Хорог об-ҳаво станцияси ходимларининг таъкидлашича, кунлик ёғин-сочин одатдаги меъёрдан бир неча баравар ошиб кетган ва бу яна давом этиши мумкин. Табиатнинг бу инжиқлиги тоғликларда жиддий ташвиш туғдирмоқда. Аҳоли турар жойлари орасидаги алоқалар бутунлай узилиб қолиши ҳам мумкин.

### «СПОРТДАН ЧИҚИБ КЕТМОҚДА»

Германиядаги бўш вақтларни мазмунли ўтказиш муаммоси билан шуғулланадиган Гамбург институти яқинда аҳолининг спортга бўлган қизиқишини ўрганиб чиқди.

Институт раҳбари Хорск Опашовски сўров натижаларини таҳлил қилгач, Германия «Спортдан чиқиб кетмоқда» деди. Унинг сўзларига қараганда, касби ва ёшидан қатъи назар Германия аҳолиси спорт билан тобора камроқ шуғулланмоқда.

### ГРИПП ТАРҚАЛДИ

Россия Федерациясининг Амурбўйи ҳудудида юқумли грипп касаллиги тарқалди.

Эпидемия, айниқса, болаларга тез таъсир кўрсатмоқда. Бунинг оқибатида бир кун ичида 1430 киши, жумладан, 715 мактаб ўқувчиси тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган, деб хабар беради РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси. Аҳвол шу тариқа давом этса, мактаб ва болалар боғчаларини ёпиб қўйиш эҳтимоли йўқ эмас, дейилади хабарда.

### ҚАЙТАРИБ БЕРДИ

1994 йилнинг октябрида Исроил ва Иордания ўртасида имзоланган тинчлик шартномасига кўра, Исроил ҳукумати 1967 йилда босиб олган Арава чўлларини Иорданияга қайтарди.

Икки давлат ўртасидаги чегараларни белгилаш тадбири 10 февралда якунланди. Энди Исроил қўшинлари бу ҳудудни тарк этиши шарт.

(ЎзА).



Парижнинг тунги жамоли. Р. ЖУМАНИЁЗОВ сурати.

# Гулдан атир соғинаверади

назм, наср, маданият, тарих

Шеърият

## Салим АШУР



*Салим АШУР — Адабиётимизнинг навқирон авлодига мансуб. Унинг «Яшил гиёҳ» номли илк китобчаси чоп этилган. Шеърларида фалсафий мушоҳадалар кутилмаган хулосалар билан уйғунлашиб кетади. Шоир севган туйғулардан энг аълоси самимият ва ростгўйликдир.*

## МЕНИНГ ЭНГ СЕВИКЛИ АЁЛИМ
(Туркум)

1

Энди ҳеч бормайман даргоҳингизга,
Мендан кечиб борар фақат хаёлим.
Севгим муносибми бир узрингизга —
Менинг энг севикли аёлим?

Руҳимда милтиллаб бир нур ўчади,
Руҳга бир ҳовуч жон ичирасизми?
Совут — қирғоғидан дарё кечади,
Хато учун мени кечирасизми?

Йўлларнинг четида яшил майса бор,
Кўзимнинг четида ёдингиз ниши.
Соянгиздан менга тўшади озор,
Толиблик юртининг куз ҳамда қиши.

Бир-бирин соғинса — тоғлар кўчади,
Дилдаги доғларни кўчирасизми?
Дарахтлар оралаб кўклам кечади,
Менинг айбимни сиз кечирасизми?

Энди ҳеч келмайман ҳузурингизга,
Мени ташлаб кетиб қолар хаёлим.
Севгим муносибми бир узрингизга
Менинг энг севикли аёлим!

2

Кетдингиз, кўксимдан қайғу кетмади,
Дилим — қабртошим қилар ибодат.
Биргина Ой...ини менга кўп кўрди
Муҳаббат сингари қадим Самарқанд.

Баҳор ҳам баҳорга ўхшамади ҳеч,
Дарахтлар қўйнидан совуқ кулади.
Сизнинг ҳолингизга бошда кулганлар
Менинг аҳволимга бугун кулади.

Осмонни кўнглимдай булут қоплайди,
Кўзингиз рангини сочинг самога.
Энди ғийбатларнинг ити қопмайди,
Бошингиз қоронғу бўлсин хурмога.

Бинафшани кийиб йўлдан ўтасиз,
Тўққизинчи осмон равоғи бўзлар.
Энди менга ҳечам керак эмасдир
Сизни соғинишга ҳаққи йўқ кўзлар.

Кетдингиз, кўксимдан қайғу кетмади,
Дилим — тирик тошим қилар ибодат.
Сиздек битта Ойни менга кўп кўрди
Муҳаббат сингари қадим Самарқанд.

3

Мени деб озорлар чекди жонингиз,
Сизга содиқ қолган мен эмас, алам.
Бизни бахтсиз қилган деворий кўзгу.
Эшик, деразалар кечирмаса ҳам —
Сиз мени кечиринг.
Сизни соғинган
Кўзларим ёшини гулга ичиринг,
Бошимга маломат сели ёғилди
Сиз мени кечиринг.

Баъзан қадрингизга етмадим, балки
Онам айтганидек ношукур бўлдим.
Мен шод бўлмагандим сизни топгунча,
Сиз билан шод бўлдим, сиз билан кулдим.

Қувончим ҳам узоқ ўтмишда қолди,
Сочингиз толаси қолди тўшакда.
Чойшабимни ҳеч ким тузатиб қўймас,
Сиз йўқсиз.
Меҳрингиз жуда узоқда.
Энди хор бўлсам ҳам ўзимдан кўрдим,
Ўзимни чақади илон — саволим.

Хор қилса, кўр қилса арзийди мени —
Сизнинг севгингизнинг уволи.
Кўзингиз ёшидан бардош ичириб,
Ўлганимдан сўнг ҳам...
Фақат кечиринг.

Майли, дўсту ёрлар кечирмасинлар —
Сиз мени кечиринг.

4

Бошига бахт қуши қўнганни севинг,
Сизни деб суягин йўнганни севинг,
Кўзида изингиз унганни севинг,
Мени севмасангиз майлига.

Сизни деб достонлар ёзганни севинг,
Сиз учун чўп каби озганни севинг,
Осмондаги ойни узганни севинг,
Мени севмасангиз майлига.

Ўзимдан ўтганин ўзим биламан,
Сизнинг расмингизга сажда қиламан,
Кўзимнинг милини сиз деб тиламан,
Мени севмасангиз майлига.

Ойсиз, гирдингизда кўпдир юлдузлар,
Сизни соғинади ҳатто кундузлар.
Кўп сиз севадиган юрт, шаҳар, гузар,
Мени севмасангиз майлига.

Афросиёб каби олиб майин тин,
Қиссалар, эртаклар тўқиган келин.
Сизга фидо бўлиб севайин, лекин
Мени севмасангиз майлига.

5

Менга гард юққани қўймас эдингиз,
Хатомни хатога йўймас эдингиз,
Мени севмайди деб куймас эдингиз,
Пойингизга бошлар урсам — камлик қилар.

Тепамда булутлар ёғдилар ёмғир,
Менга сизсиз яшаш жудаям оғир.
Кетдингиз... Дунёда қолдим мен сағир,
Пойингизга бошлар урсам — камлик қилар.

Ҳаққим йўқ сўрашга сиздан бир изн,
Энди кечирмасман ўзимни ўзим.
Кечирманг, кечирмай ўзим ўзимни
Фақат марҳаматли Худо кечирсин.

---

*Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан*

## ҒИШТ ҚЎЙИЛДИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорига асосан Шаҳрисабзда катта тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Белгиланган дастурга асосан биринчи бўлиб шаҳардаги эски қалъа қайта тикланадиган бўлди.

Шу мақсадда «Оқсарой» чойхонасида шаҳар ҳокимлиги ходимлари, оқсоқоллар, қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, журналистлар ва санъаткорлар тўпландилар.

Шаҳар ҳокими Азим Зайниддинов сўзга чиқиб, эски обидаларни қайта тиклаш, таъмирлаш ишларини кўнгилдагидек яъни соз бажариш тўғрисида гапирди. Сўнг Қуръон тиловат қилиниб, хайрли ишга оқ фотиҳа берилди. Шу куниёқ карнай ва сурнайларнинг садоси остида қалъа деворини таъмирлаш учун кўтарма кран ва КамАЗлар ишга тушиб кетди. Ҳокимлик иштирокида қалъа девори учун илк ғиштлар қўйилди. Демак катта тўйга ҳозирлик бошланди.

Ш. АЛИҚУЛОВ,
«Туркистон» мухбири.

---

*Рамазони шариф мутолааси*

## ПОКЛИК — ОЛИЙ МЕЗОН

Мазҳабимиз пешвоси Имом Аъзам (Абу Ҳанифа)нинг туғилишлари баёни

Хожа Собит (Имом Аъзамнинг отаси — таҳр.) кунларнинг бирида ариқ лабида таҳорат қилиб ўтирган эдилар, ногоҳ сув юзида қалқиб келаётган олмани кўриб қолдилар. Уни тутиб олдилару бир тишладилар. Бироқ хаёлларига келган қандайдир фикр еийишга йўл қўймади. Гўё ички бир куч нидо қиларди: «Эй бандайи ғофил, не учун бу олмани единг? Ўйламадингми, бу олма қаердан оқиб келяпти ва бунинг эгаси ким? Агар эрта қиёмат куни бу олма ҳақида сўралса, Оллоҳнинг олдида не деб жавоб берурсан». Бу ўйлар ул зотнинг бутун вужудини ларзага солди. Қилиб қўйган ножўя ишидан пушаймон бўлиб, юқори қараб юрдилар. Узоқ юрганларидан сўнг бир боққа етдилар. Ариқ боғнинг бир тарафидан оқиб ўтар экан. Хожа Собит боғ эшиги олдида бир неча фурсат тараддудланиб турдилар. Ул зотни ички бир куч боғбонни топиш ва ундан олма учун розилик олишликка ундар эди. Беихтиёр боғ ичига юрдилар. Хожа Собит у ерда боғ ишлари билан машғул бўлиб юрган кишини кўрдилар. Ул одам олдига бориб, боғ эгаси ким эканлигини сўрадилар.

— Боғ меники, — деб жавоб берди боғбон.

— Бу олма сизнинг боғингизданми?

— Ҳа, менинг боғимдан.

Хожа Собит ўтган ҳодисани айтиб берди ва шу олма қийматини ёки рози бўлишлигини сўради. Чунки жазо кунида Оллоҳдан қўрқишини айтди. Фаросатли боғбон бу зотнинг арзимаган нарса учун Оллоҳдан қўрқишлигини кўриб, улуғ киши эканлигига ишонч ҳосил қилди. Шунингдек, чин инсонлик белгиси чеҳраларидан ҳам хувайдо эди. Боғбон шундай деб жавоб берди: — Сотмайман ҳам, кечирмайман ҳам. Фақат битта шарт бор. Агар бажарсанг, афв этаман.

Хожа Собит: — У қандай шарт?

— Бир қизим бор. Икки қулоғи кар, икки кўзи кўр, ҳар иккала қўл-оёғи шол, шу билан бирга соқов ҳам. Агар шу қизимни ўз никоҳингга олсанг, тишлаган олмангдан ўтаман. Хожа Собит ўйга ботди. Икки кўзидан ёш тўхтамасдан оқар эди. Ўзича ўйлар эди: Наҳот бир тишлам олма учун шунча нуқсонли қизни хотинликка олсам?.. Лекин бир тишлам олма қарзини охиратга олиб бормаслик учун ғайри оддий куч унинг вужудини ларзага солиб, боғбон олдига етаклаб келган эди, яна ўша куч шу айбдор қизни ўз никоҳига олишликка ундади. Ночор қиёматда Оллоҳнинг олдидаги жавобгарликдан қўрқиб, розилик берди. Боғбон дарҳол икки гувоҳ ҳозирлаб, аҳли никоҳ қилди. Хожа хуфтон намозини ўтаб хилватга борди. Уни нуқсонли эмас, балки қаддиқомати келишган гўзал қиз кутиб олди. Хожа бу қизни номаҳрам санаб, ўзини ундан узоқ олди. Қиз: — Нима учун мендан қочасиз, мен сизнинг ҳалол жуфтингизман-ку?..

Хожа: — Отангиз сизни менга бошқача сифатлаган эдилар. Бунинг маъноси нима?

Қиз: — Отамнинг айтган гаплари тўғри, аммо бунинг таъбири бор. Икки қулоғимнинг карлиги, туғилганимдан буён — ҳанузгача ножўя гап эшитганим йўқ, «Икки кўзим кўр»нинг маъноси, олишлиги мумкин бўлмаган нарсани олмаганман. «Икки оёғим шол»нинг маъноси, отамнинг уйларидан ўзга жойга чиққаним йўқ. «Тилимнинг гунглиги», бирорта ҳам қабиҳ сўз сўзлаган эмасман. Хожа бундай сўзлардан бехабар эди, жуда хурсанд бўлиб, Оллоҳга шукрона бажо келтирди. Шу вақтда қиз Хожадан сўради: «Сизда ақл қанча-ю, шаҳват қанча?»

Хожа: «Бизда ақл тўққиз ҳисса, шаҳват бир ҳисса». Қиз сўради: «Менинг ақлим неча ҳисса-ю, шаҳватим қанча?» Хожа: «Сизда ақл бир ҳисса, шаҳват эса тўққиз ҳисса». Қиз: — Бир ҳисса ақлим билан тўққиз ҳисса шаҳватимдан кечиб, Оллоҳнинг ибодатига машғул бўламан! Истардимки, унинг шукронасини бажо келтирай. Хожа: — Мен ҳам тўққиз ҳисса ақлим билан бир ҳисса шаҳватимдан кечиб, Оллоҳнинг ибодатига машғул бўлай, чунки буюк зот менга шундай оқил, мастура ва зебо қизни насиб этди ва мени ғамлардан халос этди!

Бу икки пок тан кечанинг кўп қисмини ибодатда ўтказдилар. Кечанинг охирида бир-бирларига яқин бўлишдилар. Булардан номлари оламга машҳур бўлган «Имом Аъзам»дек буюк фарзанд дунёга келди. Ҳар ким фарзанди «Имом Аъзам»дек улуғ зот бўлишини истаса, Хожа Собитдек ҳар хил шубҳали луқмалардан ўзини сақласин! Пайғамбар алайҳи-с-салом ўзларининг ширин суханлари билан шундай деган эканлар: — «Киши яхши ишни ният қилса, албатта мақсадига етади!...»

Ҳа, Хожа Собитнинг ниятлари яхши эди. У зот Оллоҳнинг розилигини истар эдилар. Оллоҳ у зотни ниятларига етказди. Ана энди Имом Аъзам асллари қандай пок эканлигини билган бўлсангиз керак!

Имом Аъзам раҳматуллоҳ алайҳининг замонларида мусулмонлар ҳалифаси Абу Жаъфар Давоникий деган шахс эди.

У халифалигидан бурун Имом Аъзам раҳматуллоҳ алайҳга нисбатангина сақлаб юрар эди. Шунинг сабаби, у бир куни имомни чақиртириб, бир иш буюрди. Имом унинг фармонини бажармади. Давоникий халифа бўлиб сайлангандан сўнг имомни ҳузурига чақиртириб, «Абу Ҳанифа, сиз қозилик мансабини ўз уҳдангизга олинг!» — деди. Имом қабул қилмади. Пайғамбар алайҳи-с-салом ҳадислари ул зотни қозиликдан тўсиб юрарди. Ҳадис будир: Яъни: «Ким қозилик мансабига ўтирса, ҳақиқатан пичоқсиз сўйилибди». Яна бошқа бир ҳадис: «Дўзахда тегирмон бор, унда ҳеч нарса ун қилинмайди. Фақат дунёга майли бўлиб, шариатга мувофиқ ҳукм чиқармайдиган қозиларнинг бошлари у тегирмон тошларидан ўтказилади». Имомнинг бу рафтори ҳалифани яна ҳам ғазаблантирди. Давоникий атрофидаги дунёпараст муллолар унинг олдига келишиб, «Ҳалифа ҳазратлари бирор кун Абу Ҳанифани чақирайлик, сиз унга бирор бир иш буюринг. У айтилган ишни бажарса, сиз хурсанд бўлур эдингиз».

(Давоми 4-бетда).

---

*Сиз кутган учрашув*

## АЗИЗ ТУЙҒУ...

**«Бу — Ватанга муҳаббат!» дейди севимли хонанда.**

**. «Парда»сиз қўшиқлар...**

**. «Уларга ҳавасим келади»**

Чин санъатнинг мухлиси сифатида бу санъаткор билан суҳбатлашишни кўпдан кўнгилга тугиб юрардим. Ва ниҳоят, хайрли тасодиф туфайли ниятим амалга ошадиган бўлди, лекин...

Келишилган вақтдан бироз кечикиброқ, унинг ҳузурига боряпману ҳеч қандай ҳозирлик кўрмаганим учун ўзимни тоза койиб кетяпман: «Аввал саволлар



тузиб чиқиш керак эди. Яна мақсадни, мавзуни аниқлаштириш дегандай. Яна...»

Ўзи ундан нималарни сўраш мумкин? Туғилган юртиними — Жиззахнинг Форишидан; иш жойиними — Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Турон чечаклари» ансамблининг бадиий раҳбари, санъати ҳақидами — ўзига хос ширали овози, ўз услуби, ўз йўналиши бор ва қўшиқлари билан шу она Ватанни, шу бағри кенг Халқни, Эзгуликни ва ўлмас Ишқни улуғлаётир, олган унвонларими — ҳозирча халқаро Яссавий мукофоти соҳиби, оиласи — ҳавас қилса арзигулик оиласи бор, беш нафар фарзанднинг отаси, балки халқимиз маза қилиб томоша қиладиган «Бахтиёр» ва «Бахтиёр Холхўжаев куйлайди» номли мусиқали фильмлар ҳақида сўраш керакдир? Балки...

Умуман, эл таниган инсонни элга қайта таништиришга ҳожат бормикан? Йўқ, шекилли. Шундай бўлгач, ундан нималарни сўрамоқ жоиз. Демак, мухлислари кўпроқ бехабар бўлган нарсаларни. Тамом.

*Энг севимли ранги — яшил*

*Энг севимли асари — тарихий романлар.*

*Энг ёқтирган кинофильми — «Ўтган кунлар».*

*Энг севимли актёри — Ҳамза Умаров.*

*Энг севимли санъаткори — Маъмуржон Узоқов.*

*Энг севимли адиби — Шукур Холмирзаев.*

*Энг севимли маскани — Гараша ва Тошкент.*

*Энг яхши кўрган таоми — гилминди.*

*Энг севимли ичимлиги — булоқ суви.*

* * *

— Сизни кўпинча ёзувчилар, шоирлар даврасида учратаман. Шуни изоҳлаб берсангиз?

— Адабиётга ихлосим баланд. Ўзим ҳам қоғоз қоралаб тураман. Ҳа энди, ҳар ким кўнгилга яқин кишилар билан бўлади-да. Бундан ташқари «Турон чечаклари» ансамблимиз ҳам Ёзувчилар уюшмаси қошида.

— Сиз учун энг муқаддас мезон?

— Адолат.

— Санъаткор сиёсатчи бўлиши мумкинми?

— Қайдам, бир нима дейиш қийин. Ҳар ҳолда, ҳар ким ўз касби,ўз ҳунарининг устаси бўлиб, уни улуғлагани маъқул. Шунда халққа кўпроқ нафи тегади.

— Сизнингча, санъат нима?

— Санъат кенг қамровли тушунча. Менимча, у инсон руҳиятига таъсир этгувчи, ўз сеҳри билан кўнгилларни сел қилувчи илоҳий бир неъмат.

— Санъаткорлар-чи?..

— Мен уларни кўпкарида (улоқ) чопадиган чавандозларга ўхшатаман.

— Нега?

— Негаки, кўпкарига ўз кучига ишониб кирадиган якка полвонлар ҳам, гуруҳ-гуруҳ бўлиб чопадиганлар ҳам бор ва яна шунчаки от қўйиб юрадиганлар ҳам йўқ эмас.

— «Оқ тулпор» номли қўшиғингиз бор. Сиз уни от миниб айтгансиз. Отга, улоққа қизиқасизми?

— Ҳа. Отни яхши кўраман.

— Хўш, айтинг-чи, сизнингча, энг азиз туйғу?..

— Бу — Ватанга муҳаббат. Биз ҳали бу туйғунинг бутун моҳиятини теран англаб етганимизча йўқ. Одамлар Ватан ҳимояси йўлида жон беришни шараф деб билишган. Биз-чи, биз, шоир: «эплаб юролмаймиз тўғри йўлда ҳам» деганидек...

Менимча, Ватанга муҳаббат туйғуси инсоннинг маънавий қиёфасини намоён этувчи мезондир.

— Энг катта мукофот?..

— Бу — халқнинг сени суюши, унинг меҳри, ишончи. Меҳнатнинг қадрланиши.

— Қўшиқ яратиш қийинми?

— Ҳар ҳолда, осон эмас. Яхши қўшиқ яратиш учун — яхши шеър, яхши мусиқа ва бетакрор овоз керак.

— Миллий қўшиқчилигимизга муносабатингиз?

— Шукрлар бўлсинким, ҳар соҳада бўлгани каби қўшиқчилигимизда ҳам миллийликка кенг эътибор берилмоқда, агар эътибор берган бўлсангиз, кейинги уч йил ичида юзлаб истеъдодлар юзага чиқди. Санъатда кўламли ўсиш бор, шу билан бирга саёз қўшиқлар ҳам туғилмоқда. Айрим хонандаларимиз енгил-елпи, «парда»сиз қўшиқлар ҳам айтмоқда. Бу масалага ёндошишда ҳаё, урф ва миллий мезонлардан чиқиб кетмаслик керак шекилли.

— Ҳозирги ёшлар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Уларга менинг ҳавасим келади. Истиқлолга эришган юртимизнинг келгусидаги истиқболи шуларнинг қўлида. Улар келажакда Ватанимизни дунёдаги энг қудратли, энг бой, энг нуфузли мамлакатлар қаторига қўшишлари керак. Бунинг учун эса ўзликни англаган ҳолда қунт билан илм ўрганиш, фидокорона меҳнат қилиш зарур. Шу ўринда юртбошимизнинг пурмаъно сўзларини айтиб ўтиш жоиз: менга Ватан нима берди деб эмас, мен Ватанга нима бердим, деб яшаш керак.

Суҳбатдош:
Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«Туркистон» мухбири

---

*Маданият минтақаларида*

## БАХШИ ШОИРНИ ХОТИРЛАБ

Томди туманида бахши шоир Бердиали Ўразали ўғлининг 80 йиллигига бағишланган хотира маросими бўлиб ўтди. Оқинни билган, яхши таниган кишилар довруғи эл ошган бахши ижоди ҳақида мароқ билан ҳикоя қилишди. Маросимда Бердиали Ўрозали ўғли ўзи яратган ва дўмбира жўрлигида куйлаган термалардан намуналар ўқиди.

## ИСТЕЪДОДЛАР СИНОВИ

Урганч шаҳрининг Комилжон Отаниёзов номидаги болалар санъат мактабида ёш ижрочилар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилоятининг мусиқа ва санъат мактабларидан қарийб эллик нафар ёш санъат шинавандаси қатнашди. Беллашувларда маҳоратини намойиш эта олган тўққиз нафар бўлажак санъаткор минтақавий турда қатнашиш учун йўлланма олди.

---

*Ёшлар ижодидан*

*Лазиз ТАНГРИЕВ — Тарихий ўзгаришларга бой давримизнинг фаол ёшларидан. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси матбуот хизмати котиби. Назм ва насрдаги машқлари билан адабиёт ихлосмандларига яхши таниш.*



## УЛҒАЙИШ
Қатра

Кўчатни бултур ўтқазишганди. У баҳору ёз бўйи яйраб, куз охирига келиб қавмлари қатори ҳориб қолди. Минг бир машаққат билан биринчи бор ўстирган, жону қон ато этган полапонлари — барглар негадир сарғайиб бирин-кетин тўкила бошлади. Ўзига нотаниш бу сиру синоатадан навжувон кўчат олдинига ҳайрон бўлди, сўнг мунғайди, бора-бора қадди букилди. Унсиз йиғлаб, оҳиста ерга қўнаётган хазонларга боқиб фарёд чекди. Кун оёқлаб, шомнинг қадами эшитила бошлаган чоғда сабри тугаган она ер садо берди:

— Эй, менинг навқирон бовурим! Изтиробинг юрагимни эзиб юборди-ку! Кўп куйиниб, ичикаверма. Ҳаётинг давомида бундай қайғули ҳол ҳали кўп бор такрорланади. Бу табиатнинг қонунидир. Бутун қиш давомида сенинг болаларинг менинг иссиқ бағримда бўлишади. Худо хоҳласа, келаси йил баҳорда уларнинг ўрнида навқиронлари қайта тирилади.

...Олисдан ғалати товуш эшитилди. Табиатнинг мурувати буралди. Ва бир зумда у бизга баҳорни намойиш қила бошлади. Эрибгина чўзилиб ётган кумуш қорлар қуёш нурларининг қўққис зарбига дош беролмай тошқин сувларга айланишди. Ер юзида ўтўланлар кўриниш берди. Дунё бир кўкарди, бир яшарди. Шу пайт кимдир қушларни бошлаб келди. Улар ҳам тўлиб-тошиб бир маромда қўшиқ айта бошлади...

Юртга каромат кўрсатилди. Ҳали яшашга, яшнатишга имкон борлиги кўз-кўз этилди. Бобо мерос муқаддас замин чиройини очишга қудратимиз етишига имон келтирдик.

Ниҳолнинг аҳволи не кечди, дейсизми?

Бу йил нафақат барг ёзади, балки мева ҳам тугади. Меваси эҳтимол кичик бўлар, аммо илдизи бақувват...

Лазиз ТАНГРИЕВ.

---

ИЖОДНИНГ ЮЛДУЗЛИ ОНЛАРИ. Санъаткор ҳаётида бундай лаҳзалар ҳар вақт ҳам содир бўлавермайди. Яширишнинг ҳожати йўқ. Актёр борки, «Қанийди, менга бош ролни ишониб топширишса», деган ички бир орзу билан яшайди. Лекин шу ишончни сидқидилдан адо этиш барчанинг ҳам қўлидан келаверадиган иш эмас.

Халқимизнинг севимли санъаткори Дилбар Қосимовани бу борада ҳамма «бахти чопган»лардан деб билади. Чунки Дилбар опа ишониб топширилган ҳар битта ролни, у каттами, кичикми қиёмига етказиб ижро этишга ҳаракат қилади. Муваффақиятлар калитини тинимсиз меҳнат ва изланишда кўради.



СУРАТДА: «Майсаранинг иши» спектаклидан бир кўриниш. Бош ролда (ўртада) таниқли санъаткор Дилбар Қосимова.

